



## Ахборот-маърифат хоналари

фаолиятини намунали йўлга қўйиш сиёсий-ўқувлар савиясига, тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади

ЎзАДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



Сиёсий ўқув одатдагидан бошқача бошланди. Семинар очилишидан аввал иштирокчилар гуруҳларга бўлинди ва уларга саволлар тарқатилди.

Қатнашчилар аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш механизмлари, ахборот-маърифат хоналари фаолиятини янада кучайтириш маса-

лалари бўйича ўз таклифларини ишлаб чиқди. ЎзАДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутат-

лари ва экспертлар гуруҳи иштирокида бу таклифлар муҳокама этилди.

2

”

Бугун сиёсий партия фаолиятини замонавий талаблар асосида янги босқичга олиб чиқишнинг ўзи тақозо этмоқда. Бунинг учун, аввало, партия тизимида ишлаётган ходимлар, қолаверса, аъзоларнинг билим ва тафаккурини кенгайтириб бориш зарур. Ушбу жараёнда ахборот-маърифат хоналарининг аҳамияти катта.

### ТИНЧЛИК

учун курашмоқ керак



2

### ОИЛА

— муқаддас қўрғон



3

## Сайёҳлар-у меҳмонлар

ҳам ўқишаяпти

Истиқлол йилларида Хоразм воҳасига келаётган сайёҳлар оқими тобора кўпаймоқда. Меҳмонларимиз учун хизматларни халқаро андозалар даражасида ташкил қилишга ҳаракат қилаяпмиз. Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига кўра, Хоразмда сайёҳлар учун яхлит хизмат кўрсатиш мажмуаси яратилди. Ҳозир хориқлик сайёҳларга хизмат қилаётган замонавий, кўркам меҳмонхоналар сони 33 та бўлса, дастурда белгиланган вазифалар амалга ошганидан сўнг, 2015 йилга бориб, уларнинг сони 61 тага етади.

Шаҳарнинг энг гўзал Ал Хоразмий шох кўчасида жойлашган 70 ўринли меҳмонхонамиз тўрт йил илгари ишга тушганди. Утган йили 3,5 минг нафар меҳмонга хизмат кўрсатдик.

Сайёҳлар қизиқувчан бўлишади. Улар юртимизда чоп этилаётган китоб ва газеталарга жуда эътибор беришади. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига обуна бўлганмиз. Меҳмонхонамиз фойеида ҳар доим мазкур газеталарнинг янги сонлари туради. Меҳмонлар бу нашрларни ўқиб, юртимизда амалга оширилаётган ишлар билан танишади, янгиликлардан бохабар бўлади.

Меҳмонларимиз эътибор ва истақларини инобатга олиб, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари учун 2014 йилга ҳам обуна бўлди. Севимли газеталаримиз саҳифаларида янги йилда ҳам ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари ва хизмат кўрсатиш соҳаси янада кенгрок ёритилади, деб умид қиламиз.

Муҳаббат ШУКРУЛЛАЕВА,  
Урганч шаҳридаги «Файз»  
хусусий меҳмонхонаси  
менежери.

## 21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинган кун Тил, тараққиёт ва маънавият

Ўзбек Миллий академик драма театрида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 24 йиллигига бағишланган «Тил, тараққиёт ва маънавият» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, ёзувчи ва шоирлар, тилшунослар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар иштирок этди.

3

## Сиёсатчи аёллар

қанча кўпайса, партиямиз дастурий мақсадларини амалга ошириш шунча самарали бўлади

Бугун ҳар бир соҳада, айниқса, сиёсий жараёнларда хотин-қизларнинг фаоллиги тобора ошиб бормоқда. Буни биргина Чирчиқ шаҳрида партиямизга аъзо бўлиш ис-

тагини билдираётганлар сафи сезиларли даражада кенгайиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин.

2

ЎзАДП «Фаол аёллар» қаноти



Гулноз РАЖАБОВА,  
ЎзАДП «Фаол аёллар»  
қаноти Чирчиқ шаҳар  
бўлими етакчиси.

## Санъат ва спорт



4

## Ўзбекистон — Марокаш — 0:0



4

«Ўзбекистон овози» газетаси  
сайтида ўқинг

Андижон  
вилояти:

Бунёдкор гоялар,  
бунёдкор одамлар



## Ўзбекистон Халқ демократик партияси

фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

«ЎЗБЕКISTON O'VOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,  
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



## ЎзАДП Марказий Кенгаши

ташаббуси билан кеча Самарқанд шаҳрида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича Бухоро ҳамда Самарқанд вилоятларида ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент жараёнида ЎзАДП ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг иштироки» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Унда билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.





